

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 241 (1302), 2024 йил 27 ноябрь, чоршанба

www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official

## МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА ТРАНСПОРТ “АРТЕРИЯ”ЛАРИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА

Президент Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни темир йўл ва авиация соҳасидаги давлат компанияларида трансформация жараёнларининг боришига оид тақдимот билан танишди.

Ҳам иқтисодий самардорлик, ҳам одамларга қулайлик нуқтан назаридан бу соҳада катта ўзгаришлар қилинмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибиде 6 та мустақил корхона ташкил этилди. 1 минг 200 та янги юк вагони олинди, ички йўналишда юк ташиш вақти 2 қарра камайди.

Рақамлаштириш натижасида вагонга буюртма бериш 7 босқичдан 3 босқичга, бунга кетадиган вақт 72 соатдан 12 соатга қисқарди. Тошкент аэрофида поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди. Илгари зарар билан ишлаган акциядорлик жамияти бу йил 30 миллиард сўм фойдага чиқайти.

Авиация соҳасидаги компанияларда ҳам ўсиш бор. “Uzbekistan Airways” тизимида авиакатновлар 25 фоиз кўпайди. Маҳаллий йўналишларда самолётлар сони 8 тага етиб, ички қатновлар 2,5 баробарга ошди. Марказий Осиёдаги халқаро ташувларда миллий авиакомпаниямиз улуши 20 фоизга етди. Йиллик йўловчи ташиш кўрсаткичи 6 миллион нафардан ошиши кутилмоқда.

“Uzbekistan Airports” самолётлар, юк ва йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Аэропортлар бошқарувида хусусий сектор жалб қилинган самара беришти. Дунёдаги 44 та авиакомпания юртимизга парвозни амалга оширяпти. Аэропортлар орқали юк ташиш ҳажми ҳам бу йил 22 фоизга ошиши кўзда тутилган.

Лекин ҳали вазибалар кўп. Транспорт йўллари қанчалик муҳимлигини дунёдаги мураккаб вазият ҳам кўрсатаяпти.

Шу боис, йўналишларни диверсификация қилиш, ташиш жараёнларини тезлаштириш, транспорт хизматлари таннархини пасайтириш жуда муҳим.

Йнгилишда бу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

— Мамлакатимизда иқтисодиёт, савдо алоқалари йилдан йилга ривожланыпти. Аҳоли даромади, ҳудудларнинг туризм салоҳияти ҳам ошайпти. 2030 йилга бориб, ялли ички маҳсулотимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш мақсадини кўйдик. Шунинг учун транспорт “артерия”лари алоҳида аҳамият беришимиз керак, — деди Президент.

Бунинг учун барча ҳуқуқий-ташкилий асослар яратиб берилмоқда. Ҳозиргача соҳада 25 йил олдин қабул қилинган қонун бўйича иш юритиб келинар эди. Шу жиҳатдан, янги таҳрирда имзоланган “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу соҳага хусусий компаниялар ва инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилмани ривожлантиришга кенг йўл очди.

Энди соҳа раҳбарлари иш услуби ва ёндашувларини кескин ўзгартириб, натижани таъминлашни зарур. Бунинг учун, аввало, соҳада трансформацияни жадаллаштириш, қурилиш ва модернизация лойиҳаларини сифатли бажариш лозим. Халқаро

кредит рейтингни олиш, давлат кафолатисиз маблаг жалб қилиш, инвестицияларни самарали ишлатиш ҳам муҳим вазибалар қаторида.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” ҳали аҳолини рози қиладиган даражага етгани йўқ. Халқаро рейтинг олиб, ташқи бозорга чиқиш кечикяпти. Оқибатда таннарх юқорилиги учун чипта нархида сезиларли ўзгариш йўқ. Харажатларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ижроси суст.

Шу боис, консалтинг компанияси жалб қилиб, трансформация бўйича аниқ дастур ва “йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазибаси кўйилди.

“Uzbekistan Airports” тизимида асосийси — хизматларни кўпайтириш ва хусусий шерикликни кенгайтириш. Самарқанд аэропорти хусусий бошқарувга берилгач, парвозлар ва йўловчилар сони 5 баробар ошган. Энди Наманган, Андижон, Бухоро ва Урганч аэропортларида ҳам шундай мақсад кўзланган. Йил якунигача аэропортларда қўшимча хизматларни 2 қарра кўпайтириш, даромадни 25 фоиз ошириш мўлжалланган.

Халқаро бозордан мустақил ресурс жалб қилиш, Навоий аэропорти терминалидан тўлиқ фойдаланиш чоралари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари йнгилишда муҳокама қилинган учта компанияда рақамлаштиришни жадаллаштириш, режаларни қайта кўриб чиқиб, иқтисодий натижадорликни ошириш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

## НАМАНГАНДА АҲОЛИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛИБ, БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни Наманган вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йнгилиш ўтказди.

Ўтган ўн ойда вилоятда 681 та лойиҳа бажарилиб, 21 мингта иш ўрни яратилган. 21 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 702 миллион долларлик экспорт қилинган. Йил якунигача вилоят иқтисодиёти 8 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Энди келгуси йилга марра олиш зарур. Шу боис, барча ҳудудларга ишчи гуруҳ юборилиб, тадбиркорларнинг тақлифлари ўрганилиб, режалар шакллантирилмоқда.

Наманган вилоятида 527 миллион долларлик 182 та янги лойиҳа имконияти аниқланган. Масалан, Наманган шаҳри “Баркамол авлод” маҳалласидаги кичик саноат зонаси кенгайтирилса, 60 миллион долларлик чармпойабзал лойиҳасини жойлаштириш мумкин. Мингбулоқдаги “Наманган” массивида шундай зона ташкил қилинса, 25 миллион долларлик саноат лойиҳаларига шароит бўлади.

Поплик тадбиркор АҚШлик ҳамкорлар билан 80 миллион доллар сармоя қилиб, йнгила 1,8 миллион тонна флюорит тошини қайта ишлаш тақлифини берган. Натижада 200 та

иш ўрни, 70 миллион доллар экспорт имконияти пайдо бўлади. Яна бир корхона 40 миллион доллар инвестиция киритиб, 5 минг гектарда доривор ўсимлик етиштириш, қандолат ишлаб чиқариш ва туризм маскани ташкил қилиш истагини билдирган.

Ушбу тумандаги сизот суви яқин ерларда шולי, ғалла, доривор ва озукабоп экинлар, Норин туманидаги мелиоратив тик қудуқлар атрофида балик етиштириш мумкин. Чоркесар, Заркент ва Испарон ҳудудларида сугориш яхшилаиб, чорвадорларга ер ажратилса, 100 минг бош қорамол ва эчки боқиш имкони бор.

Янгикўрғонда Қишлоқ ҳўжалиги техникуми ташкил этилиб, картошқаччилик маркази билан дуал таълим йўлга қўйилиши ҳам малакали мутахассислар, ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулоти тайёрлашга хизмат қиладди. Асаларичилик ҳўжаликлари билан кооперация орқали хонадонларда асалари боқиб, уларни қўшимча даромадли қилса бўлади.

Йнгилишда Наманган вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга

солиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Хусусан, 2025 йилда Наманган вилоятига 4 миллиард 200 миллион доллар инвестиция олиб келиш, 34 минг иш ўрни яратиш ва 1 миллиард доллар экспорт қилиш мўлжалланган.

Вилоятда жорий йил якунида камбағаллик даражасини 8 фойздан ҳам пасайтириш режалаштирилган. 2025 йилда 78 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариб, бу кўрсаткични 5,3 фоизга тушириш кўзда тутилган. Шунингдек, чет элда меҳнат миграциясида бўлган 100 мингта яқин кишини юртимизда иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, вилоят иқтисодиётини комплекс ривожлантириш бўйича қарор лойиҳасини киритишга кўрсатма берди. Инвесторларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, лойиҳалари учун шароит яратиш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиб, бандликни таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

## Буюк ўзбек йўли



## ИККИ ТАЯНЧ УСТУНИМИЗ

## ёхуд ИҚТИСОДИЁТИ ва МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК МАМЛАКАТ қандай қурилмоқда?

Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек катта марра, улкан мақсад сари дадил қадам ташламоқда. Сўнгги йилларда илгари сурилган ҳар бир ташаббус, ислохот барчамизни шу улкан орзу томон етакламоқда. Бу орада катта ўзгаришлар, оламшумул ишлар амалга оширилди. Дунё ватанчимизни янгидан кашф қилди, таниди. Халқимиз онгу шуури, сиёсий тафаккури тубдан ўзгарди.

Айниқса, ўтган ҳафтада Президентимиз иштирокида уч кун давомида бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеалар, унда кўтарилган масалалар, олдинга қўйилган режалар том маънода ватанчимиз тараққиётини янги, ҳал қилувчи босқичга кўтарадиган, улкан марралар сари қадам қўядиган истикболли жараёнлар деб оҳаси бўлди.

### Буюклар армони

Қай бир алломо мутафаккирларимиз асарини ўқимайлук, ҳар бирида катта армон, улкан орзуни кўраимиз. Бу халқ дардини эшитадиган давлат, маърифати юксак, ахлоқи баланж жамият орсусидир.

Ҳазрат Навоий “Дардим огирроқ тоғдин, хошқондин жисим енгил”, дея ёзганда

бу огир дард халқ дарди, раият эҳтиёжи эканини аён қилган. Алломанинг биргина “Муншаот” асарини том маънода давлат бошқаруви соҳасида ўз даврининг адолатли қонунли сифатида кўриш мумкин. Унда “Давлатнинг барча бўғинидаги мансабдор ва амалдорлар, раият ишлари билан шуғуланадиган, қўлида имзо ва муҳр тутадиган барча масъуллар муурожаат эгувчиларнинг ишлари эртанги кунга қолдирилишига йўл қўймасликлари керак, таъма мақсадида пайсалга солувчилар муқаррар жазоланиши лозим”лиги айтилади. Шу орқали мутафаккир ўз орсусидаги давлат бошқарувиға кўзгу тутди. Бугун бу орзу “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган аниқ, қатъий тамойилда акс этмоқда.

Ёки Форобий илгари сурган ахлоқ фалсафасини олайлик. Мутафаккирнинг ахлоқ ва унинг асосида ёш авлодга тарбия бериш гоёлари ҳозирги кунда ҳам энг долзарб масаладир. Форобий юксак ахлоқий фазилатларга риоа қилган ҳолда ривожланаётган ҳар қандай давлат ўз фуқароларини, шак-шубҳасиз, бахт-саодат йўлига олиб чиқувчи кучга эга бўлишини таъкидлайди. Аллома инсон билим ва намунали ахлоқ эгаси бўлгандагина яхши одат ва ҳаракатларни ўзида мужассамлаштира олишини айтади.

Бугун давлатимиз раҳбари ҳар чиқишида кучли илм ва ахлоқ бир бўлсагина юксак натижаларга эришиш мумкинлигини бот-бот таъкидламоқда. Тараққиёт, бахт-саодат йўлидаги муҳим қонда ахлоқ эканига ургу бермоқда.

Давоми 3-бетда

## Нуқтаи назар

## СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЯНГИЧА ТИЗИМ

Ўтган ҳафтада мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида ўта муҳим, тарихий воқеалар юз берди. Давлатимиз раҳбари миллий парламентимизнинг қуйи ва юқори палаталарида, мамлакат Бош вазири лавозимга тавсия этиш жараёнида кенг қамровли маърузалари билан катнашди. Уч кун мобайнида қатор масалалар илгари сурилди. Мен шу юрт фарзанди, халқимиз келажагига бефарқ бўлмаган оқсоқол амалиётчи ҳуқуқшунос сифатида ушбу воқеаларни диққат билан кузатиб, келгуси беш йилликда олдимизда турган вазибаларни ўзим учун ён дафттаримга ёзиб олдим.

Навбати билан мазкур йнгилишлардан олган хулосаларимга тўхтаимиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида иштирок этган Президентимиз депутатларга қарата уларнинг бундай шарафли мақомга эришишида мард ва олжаноб халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурматининг

ифодаси муҳим омил бўлганини қайд этди. Қонунчилик палатаси олдида турган янги вазибалар, ўтган даврда йўл қўйилган айрим камчиликлар, шу билан бирга, аввалги қақриқда фаолият юритган депутатларнинг ютуқларига ҳам рўйи рост баҳо бериб ўтди.

Давоми 2-бетда

## Президент ташрифидан сўнг



## ЭНЕРГИЯ САҚЛАШ ОМБОРИ

қунига 100 мингдан ортиқ хонадонни электр билан таъминлайди

2





Нуқтаи назар

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz\_official

# СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЯНГИЧА ТИЗИМ

Убайдулла МИНГБОЕВ, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

## Бошланиши 1-бетда

Энди парламентни чинакам “халқ уйи”га, унинг қўйи палатасини гоғлар генераторига, соғлом рақобат юритиладиган, баҳс ва мунозаралар қилинадиган майдонга айлантириш борасида фикрлар билдирди. Сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси давомида илгари сурган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган таклифлари, албатта, кўриб чиқиши ва амалга оширилиши лозимлигини уқтирди. Энг қувонарлиси, бундан бугунга фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш мақсадида қўйи палатанинг ҳар бир кўмитаси ҳузурида уларнинг вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилмадан бўлди.

Таркиби ихчамлашиб, ваколати ва масъулияти бир неча баробар ошган сенаторлар билан бўлиб ўтган йўналишда ҳам юқори палата олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратилди. Қонунларни муҳокама қилишда янги механизмларни жорий қилиш зарурлиги, қонун ижодкорлиги жараёналарига маҳаллий кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича маҳаллий кенгашлар фикрини инобатга олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга экани, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш Сенатнинг устувор вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади. Бундан Сенат кўмиталарини юқори палатанинг юраги ва ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш таклифи киритилди.

Муҳим тарихий янгилıklarдан яна бири — суд ҳокимиятининг чинакам



мустақиллигини таъминлашга хизмат қилиш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими йўлга қўйилмоқда. Бундан Сенат фақат номзодларни тасдиқлаш билан чекланиб қолмай, улар фаолияти билан танишиб, хулоса бериб боради. Бундан кўриниб турибдики, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, кадрлар, уларнинг иқтисоди ва таъминоти масаласи Сенат даражасига олиб чиқилмоқда.

Ҳа, ҳақиқатан, парламент ва ҳукумат фаолиятида янги чинакам, халққа садоқат билан хизмат қилиш даври келди. Бу янги Ўзбекистон давридир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида айтиш шуниси маълум бўлди. Унда Президентимиз томонидан Бош вазир лавозимига Абдулла Ариповнинг номзоди тақдим этилди. Абдулла Арипов Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатта ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини баён қилди. Бош вазир

лавозимига номзод сиёсий партиялар фракциялар раҳбарлари ҳамда депутатларнинг фикри ва яширин овоз натижаларига кўра маъқулланди.

Уч кунлик сиёсий жараён давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери, Сенати раиси ва уларнинг ўринбосарлари, кўмиталар раислари ҳамда Бош вазир номзоди бир овоздан маъқулланди. Вазирлар Маҳкамаси таркиби шакллантирилди.



Президентимизнинг бир-бирини узвий давом эттирган маърузалари барча ҳокимиятлар, соҳалар, давлат идоралари ва жамоатчилик институтлари учун тайёр “йўл харитаси” демакдир. Ўйлайманки, ундан, яъни дилдан айтилган, баъзи жойда кўйиниб билдирилган тарихий фикрлардан оқилона фойдаланилса, олдимизга қўйилган мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

“**Парламент аъзоларининг вазифасига киришиш ҳамда ҳукумат раҳбарини сайлашга бағишланган йўналишни диққат билан кузатиб, янги Ўзбекистонимизга монанд содир бўлаётган ўзгаришларга бепарво бўлмаган оқсоқол ҳуқуқшунос сифатида битта таклиф билдирмоқчиман: Президентимизнинг маърузалари тўпланиб, яхлит китоб ҳолатига келтирилса.**



Ҳалқимиз фаровонлиги, давлатимиз тинчлиги йўлида қайғуриш шуниси билан тарихийки, бундай ҳисси ҳеч биримиз бугунга қадар комплекс тарзда туймаган эдик. Шунинг учун давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳар бир гоғни Ўз халқига, ватанига меҳри ва садоқати билан қаҳрамонона амалга оширган ҳаракат деб атаса бўлади.

Қанчадан-қанча чиғирлардан омон-эсон ўтиб келган халқимизда бир ҳаётий ҳикमत бор: “Бирлашган ўзар...” Биз

мамлакатимизнинг тинчлиги ва барқарорлиги йўлида бир мақсадда бирлашган халқимиз. Бажарётган ҳар бир амалиётида, теран фикримизда, ҳатто зикримизда ҳам Президентимиз атрофида бирлишди, юртимизга содиқ хизмат қилмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари ҳам ҳеч бир ҳолатни назаридан четда қолдираётгани йўқ. Ўзбекистонимизни дунёга танитиш борасида бетиним ҳаракат қилмоқда. Давлат ташрифи билан қаерга борса, янги бир ташаббусни илгари суриб, ўша давлатларнинг раҳбарлари томонидан ташаббускор лидер сифатида тан олинаётганидан хабардоримиз. Буларнинг барчаси Ўз халқига меҳрибонлигидан, мамлакат фуқаролари манфаатини кўзлагандандир.

Парламент аъзоларининг вазифасига киришиш ҳамда ҳукумат раҳбарини сайлашга бағишланган йўналишни диққат билан кузатиб, янги Ўзбекистонимизга монанд содир бўлаётган ўзгаришларга бепарво бўлмаган оқсоқол ҳуқуқшунос сифатида битта таклиф билдирмоқчиман: Президентимизнинг маърузалари тўпланиб, яхлит китоб ҳолатига келтирилса.

Чунки мазкур маърузаларда давлат ҳокимияти органлари, ижро ҳокимияти, жамиятимизнинг ижтимоий ҳаётида юз бераётган воқеалар, ёшлар, татлим ва ногиронлиги бор шахслар хусусида аjoyиб фикрлар билдирилди. Чоп этилган ушбу китоб ҳар бир давлат идоралари раҳбарлари, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлири ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари иш столида бўлиб, мазмун-моҳияти янада кенг тарғиб қилиб борилса, асл мақсадга эришамиз, албатта.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

## Президент ташрифидан сўнг

# ЭНЕРГИЯ САҚЛАШ ОМБОРИ КУНИГА 100 МИНГДАН ОРТИҚ ХОНАДОННИ ЭЛЕКТР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

Президентимиз жорий йил 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига амалий ташрифи чоғида Хитойнинг “Gezhouba Group” компанияси билан ҳамкорликда илк электр энергияси сақлаш тизими қурилиши лойиҳасига старт берганди.



Ўзбекистон туманининг жанубий сарҳадларига туташ, яқин йилларга гавҳар уммаган, тош-шағалдан иборат дала-даштада бошланган қурилиш, бунёдкорлик ишларидан кўз қувнайди, дил айрайди. Турфа жихозлар, қурилиш ашёлари ортлган юк машиналар ҳаракати бир зум бўлса-да тўхтагани йўқ. Ҳамма бунёдкорлик ишлари билан банд.

Облоёр Зиедбоев Ўзбекистон тумани “Ўқчи” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. У мамлакатимиз энергия тизимида ўзига хос янгилик бўлган лойиҳа қурилишида иштирок этаётган ёшлар сафидан эканидан фахрланди.

Болалик хотираларин билан боғлиқ дала-даштада мана шундай улкан лойиҳа қурилиши бошланганини эшитиб, аввалга ишонмадим, — дейди Облоёр. — Бу ерда қилинаётган ишларни мўъжизага қиёсلاш мумкин. Электр энергиясини сақлаб, керакли пайтда узатиш лойиҳаси ҳақида илгари эшитмаган эканман. Мана энди уни кўзим билан кўриб турибман. Бу жуда катта имконият. Бўлар экан-ку.

Умумий қуввати 150 мегаваттга тенг электр энергиясини сақлаш иншоотини Хитойнинг “China Gezhouba Group Overseas Investment Co.Ltd” компанияси тўғридан тўғри 144 миллион долларлик хоржий инвестиция киритиш ҳисобига бунёд этмоқда. Бор-йўғи тўрт ойда Ўзбекистон тумани адирликларид катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. 400 дан зиёд қурувчи мутахассис иштирок этаётган майдонда электр энергиясини сақловчи, ҳар бирининг қуввати 2 мегаватт бўлган 90 та батарея ўрнатилди. Юқори кучланиши электр тармоқлари монтаж тугатилди. Энди боғловчи иншоотлар қурилиши давом этапти. Бундан ташқари, 270 метр чуқурликда сув қудуғи қазилиб, бир километрга яқин тармоқлар тортилди. 3 километрдан ортиқ янги йўл қурилиши лойиҳалаштирилди. Ишчи-хизматчилар учун ётоқхона, ошхона, сув сақлаш омборлари бунёд этиляпти.

Ўзбекистонга инвестиция киритиш истагидаги хоржий инвесторлар сафи кундан кунга кенгайиб бормоқда, — дейди “Energy China Overseas Investment” компанияси бош менежери Ний Жианминг. — Аввало, юртингиздаги

тинчлик ва барқарорлик, хоржийлик сармоядор ҳамда ишбилармонлар учун яратиб берилган қўлай ижтимоий муҳит, имтиёз ва имкониятларнинг ўрни жуда катта. Қолаверса, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик муҳим аҳамиятга эга. Инвестиция киритишда мана шу жиҳатларга эътибор қаратганмиз. Лойиҳа қурилиши йил охирига қадар якунлаб, янги йилнинг биринчи кунларид тўлиқ ишга туширишни кўзлаб турибмиз. Керакли жиҳоз ва ускуналарни Хитой, Россия ва айрим қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб оламиз.

Хитойнинг мазкур компанияси дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатда фаолият юритади. У электр ишлаб чиқариш, муқобил энергия электр станциялари ва энергия сақлагич тизим қуриш борасида ўзига хос тажрибага эга. Ўзбекистон туманида қурилаётган иншоот юртимиздаги биринчи муқобил лойиҳа эмас. Масалан, компания Ўзбекистонга киритаётган инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Компания томонидан Наманган вилоятининг Поп туманида қуввати 100 мегаватт бўлган электр энергиясини сақлаш тизими бунёд этилмоқда.

Ўзбекистонда бу йўналишларда 10 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган, — дейди “Energy China Overseas Investment” компанияси директорининг техник масалалар бўйича ўринбосари Азиз Ширинбоев. — Шу кунга қадар Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида қуввати 500 мегаваттлик қуёш электр станциялари қурилиши муваффақиятли тугалланди. Фарғона вилоятида қурилаётган электр энергияси сақлаш тизими ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу Ўзбекистонда биринчи тармоққа уланадиган батарея энергия сақлаш тизими бўлибгина қолмай, Марказий Осиёдаги энг йирик энергия сақлаш тизимига эга ҳамда сўнгги техника ва технологияларни жамлаган. Янги лойиҳа электр манбаига эҳтиёж камайган қудузги ва тунги пайтларда электр тармоғига улашиб, истеъмолдан ортиб қолган электр қувватини омборга йиғида ва зарур бўлганда ўша омбордан яна қайта тармоққа етказиб беради. Электр энергиясини батареяда сақлаш, айниқса, қишда қўл келади. Қудузги юклама паст бўлган вақтда тизимни қувватлантириш, юклама юқори бўлганда бўшатиб, тизимдаги мувозанатни сақлашга ёрдам беради. Бу унинг асосий функцияларидан.

Фарғонада ишга туширилаётган янги тармоқ икки соатлик сақлаш тизими билан 150 мегаватт-соат бўлган электр энергиясини ташкил қилади. Ҳисоб-китоб учун қунлик ўртача истеъмол 6 киловатт-соат деб олсак, батарея сақлаш тизими кунига икки марта ишлаган ҳолда 100 мингдан ортиқ хонадонни электр энергияси билан таъминлай олади. Бу жуда катта кўрсаткич. Шунингдек, турли нуқсали об-ҳаво шароитида ҳам электр энергиясини узлуксиз етказиб бера олади.

Янги лойиҳа чиндан ҳам минглаб одамларнинг ҳаётига дахлдор. Қурилиш жараёнида хоржийлик ва маҳаллий мутахассислар ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонда муқобил бўлмаган бу лойиҳа юрт тараққиёти, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Агротармоқ

# Ота-боболаримиз азалдан куз фаслида ерга уруғ қадаб, тўқсонбости усудида экин етиштиришнинг ҳадисини олган. Шу йўл билан аҳолининг эртаки сабзавотга талаби қондирилган. Чунки ҳосилдан бўшаган майдонларга совуққа чидамли экинларни тўқсонбости усудида экиб етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Экин майдонлари ва аҳоли томорқасидан оқилона фойдаланиш натижасида экспортбоп кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми кўпаяди. Шунингдек, камбағаллик қисқариб, аҳолининг моддий манфаатдорлиги ошади.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисида 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш ҳукумат иқтисодий

олинган. Шундан 319 минг тоннаси экспортга чиқарилган, 1 миллион 76 тоннаси ички бозорга йўналтирилган.

— 2025 йил ҳосили учун вилоят миқёсида қарийб 94 минг гектар майдонда тўқсонбости экинлар экиш режалаштирилган, — дейди Сурхондарё вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассиси Рўзибой Мўминов. — Бу бўйича туманларда фермер, ер эгалари, агрономлар ва тажрибали деҳқонлар иштирокида тўқсонбости экинлар экиш юзасидан семинар-тренинглр ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ҳудудда томорқадан самарали фойдаланиш тажрибасини ривожлантириш ҳамда жойларда бир қарични ҳам ер бўш қолдирмамас. Сурхон воҳасида ҳозир томорқа ер эгалари сонин 480 мингдан ортиқ. Уларга қарашли жами экин майдони 49 минг 500 гектар.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришмоқда. Бу мақсад учун жорий йилда 38,5 миллиард сўм кредит ажратилган. Шундан 36 миллиард сўми ер эгалари илгари сурган илғор томорқачилик лойиҳалари, жумладан, тўқсонбости экинларни экиш учун йўналтирилган. Бундай эътибор ва берилаётган имтиёзлар, ўз навбатида, юртдошларимиз турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришмоқда. Бу мақсад учун жорий йилда 38,5 миллиард сўм кредит ажратилган. Шундан 36 миллиард сўми ер эгалари илгари сурган илғор томорқачилик лойиҳалари, жумладан, тўқсонбости экинларни экиш учун йўналтирилган. Бундай эътибор ва берилаётган имтиёзлар, ўз навбатида, юртдошларимиз турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 мартдаги “Аҳоли хонадонларида саннат усудида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжалиқларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, деҳқонларнинг томорқадан даромад олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида вилоятнинг Сариев, Денов, Жарқўрғон ва Ангор туманларида ўқув-тажриба майдонларини ташкил этиш режалаштирилган, — дейди Ангор тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Олим Мирзаев. — Бу борада кишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, фермерлар ва миришкор деҳқонлар иштирокида боғдорчиликка ихтисослаштирилган

фермер хўжаликлари далаларида амалий семинарлар ўтказилмоқда. Воҳанинг барча туманидан келган иштирокчиларга тўқсонбости экинларни экишда ҳудуднинг иқлим шароити, тупроқ умумдорлигига алоҳида аҳамият қаратиш ҳамда парваришда доир зарур маълумотлар берилмоқда.

Боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида боғ қатор ораларида тўқсонбости экинларни экиб, мўл ҳосил ва юқори даромад олиш мумкин. Шу йўналишдаги фермер хўжаликларида бирининг раҳбари Оқназар Сафаров 10 гектар майдонни эгаллаган боғ қатор ораларида ҳар йили сабзи, пиёз, саримсоқниёз ва турли кўкатлар етиштиради.

— Ердан мўл ҳосил олиш осон эмас, аммо пешона терини тўкиб меҳнат қилинса, деҳқон ер билан тиллаша олса, албатта, ер ҳам соҳибкорни куруқ қолдирмайди, — дейди Оқназар Сафаров.

Жарқўрғон туманининг Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Санобар Бўтаёрова ҳам 10 сотихли томорқасида ихчам иссиқхона барпо этган. Ҳозир иссиқхонада туртинчи экинни қадашга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари, томорқачи турли кўкатлар етиштиришни ҳам йўлга қўйган.

Ҳозир Шўрчи туманидаги Кўштегирмон маҳалласида 612 та хонадон истикомат қилади. Худуднинг драйвери деҳқончилик ва чорвачилик. Асосий даромад манбаи томорқачиликдан бўлгани боис, маҳалла аҳли бу ишни пухта ўзлаштирган. Кейинги йилларда худуд аҳли томорқадан фойдаланишда иссиқхоналарга кўпроқ эътибор қаратапти.

Жумладан, шу маҳаллада яшовчи Баҳодир Қаршевнинг томорқасида ҳам 4 сотихли иссиқхона мавжуд. Унда булғор қалампирининг серҳосил ва харидоригр нави парваришланмоқда. Соҳибкор келгусида бундан 25-30 миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибди. Шунингдек, томорқасида оқиқ шароитда тўқсонбости усуда саримсоқ пиёз ҳам етиштиряпти.

Маҳалладар Тошпўлат Эшбоев оиласи томорқасида имтиёзли кредит асосида 2 сотихли 2 та ихчам иссиқхона барпо этиб, гулчилик фаолияти билан шуғулланыпти. Ушбу иссиқхоналарда ўнлаб турдаги гўзал ва жозибдор гуллар етиштирилмоқда. Хонадон эгалари гулнинг янги навларини пойтахтдан келтириб кўпайтирмоқда. Улар ҳар йили минглаб гул ва гул қаламчаларини парваришлаб, сотувга чиқаради. Даромад ҳам шунга яраша. Албатта, уларни бозорга тайёрлашга қадар анча меҳнат сарфланади.

Термиз туманидаги Орол маҳалласида яшовчи Омон Ҳакимов тижорат банкидан ажратилган имтиёзли кредит эвазига 11 сотихли иссиқхона қурдирган. Ҳозир руқола ўсимлигини парваришланмоқда. Бу қадимдан истеъмол қилинадиган сабзавот бўлиб, таркибиди ва витаминлар инсон организм учун жуда фойдали. Руқола уруғидан олинмадиган ёғдан дори саноатида фойдаланилади. Эътиборлиси, мазкур иссиқхонада сувни тежаш мақсадида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган.

Тўқсонбости усудида ерга қадалаётган экинлардан 2025 йилда жами 1 миллион 726 минг 352 тонна маҳсулот етиштириш кўзда тутилган. Бунинг 716 минг 675 тоннаси фермер хўжаликлари, 334 минг 373 тоннаси деҳқон хўжаликлари ва қолган 675 минг 305 тоннаси аҳоли томорқалари ҳиссига тўғри келади. Бу рақамлар замини зар, тупроғи олтинга тенг Сурхон воҳасида ерининг ҳар қаричидан самарали фойдаланиш маданияти шакллантирилган дарак беради. Яна бир муҳим жиҳати, тўқсонбости экинлар эрта баҳорда, аҳолининг оғин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаби ортан вақтда пишиб етилиши бозорларда ушбу маҳсулотлар нархи асосини оқшоқ кетишининг олдини олади. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари ва аҳоли учун мўмай даромад манбаидир.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



комплексининг асосий вазифаси этиб белгилангани, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга жами 46,5 триллион сўм сарфланишини қайд этди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Жорий йил бу кўрсаткич 9 фоизга тушиши кутулкимоқда. Кўрсаткичларнинг яхшиланишида аҳоли орасида томорқа маданияти шаклланиб бораётганини ҳам сабаб сифатида кўрсатиш мумкин.

Сурхондарё вилоятида тўқсонбости экинлар экиш ва парваришда ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос тажриба мактаби мавжуд. Ўтган йилнинг ўзида воҳада тўқсонбости экинлардан 1 миллион 395 минг тонна маҳсулот

# ҚИШДА ҲАМ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИЛАДИ

Фермер хўжаликлари далаларида амалий семинарлар ўтказилмоқда. Воҳанинг барча туманидан келган иштирокчиларга тўқсонбости экинларни экишда ҳудуднинг иқлим шароити, тупроқ умумдорлигига алоҳида аҳамият қаратиш ҳамда парваришда доир зарур маълумотлар берилмоқда.

Боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида боғ қатор ораларида тўқсонбости экинларни экиб, мўл ҳосил ва юқори даромад олиш мумкин. Шу йўналишдаги фермер хўжаликларида бирининг раҳбари Оқназар Сафаров 10 гектар майдонни эгаллаган боғ қатор ораларида ҳар йили сабзи, пиёз, саримсоқниёз ва турли кўкатлар етиштиради.

— Ердан мўл ҳосил олиш осон эмас, аммо пешона терини тўкиб меҳнат қилинса, деҳқон ер билан тиллаша олса, албатта, ер ҳам соҳибкорни куруқ қолдирмайди, — дейди Оқназар Сафаров.

Жарқўрғон туманининг Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Санобар Бўтаёрова ҳам 10 сотихли томорқасида ихчам иссиқхона барпо этган. Ҳозир иссиқхонада туртинчи экинни қадашга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари, томорқачи турли кўкатлар етиштиришни ҳам йўлга қўйган.



Буюк ўзбек йўли

Бошланиши 1-бетда

“Халқ уйи” да халқ овози

Ибн Халдун “Давлат халқ маънавий иродасининг ички динамик қувватини акс эттиради”, дейди. Айниқса, бу акс этиши “Халқ уйи” да равшанроқ кўриниши, халқ эҳтиёжи, дарди, овози шу уй орқали баландроқ янграши шарт.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисидаги нутқидан ҳам бунга қайта-қайта ургу берилди, депутат деган шарафли номга сазовор бўлганларнинг улкан масъулияти эслатилади.

Зеро, бу сайлов янги аралаш сайлов тизими асосида ўтказилгани билан ҳам тарихий воқелик бўлди. Парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатлари орди, янги халқ вакилиги тизими сифатида масъулияти оширилди. Фаолият қозонган натижадорлик, ваколатдан самарали фаолият томон йўналтирилиши лозимлиги таъкидланди.

Италян мутафаккири Никколо Макиавелли энг ишончли, энг мустақкам кўрган халқ муҳаббати эканини таъкидлаган. Бу муҳаббат ишонч кўринишида кўз олдимизда гавдаланмоқда. Айниқса, сайлов халқнинг ислохотларга, давлатга ишончини кўрсатувчи кўзгудир. Бу йилги сайловда 15 миллиондан зиёд аҳолимиз, жами сайловчиларнинг қарийб 75 фоизи фаол иштирок этгани бунинг далилидир.

Бугун глобаллашув жараёни, геосиёсий вазиятлар таранглашуви, дунё хатар ва таҳликага тўла экани айтилмоқда. Албатта, булар шунчаки гаплар эмас, ҳар кун кўз олдимизда гавдаланаётган воқеликларга айланб бормоқда. Халқро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 2 миллиардга яқин одам тўқнашувлар ва зўравонлик бўлаётган, беқарорлик ҳукм сураётган минтақаларда яшайди. Ачинарлиси, уларнинг учдан бир қисмидан ҳам кўпроги 15-24 ёшлилардир. БМТ Бош котиби ҳам дунёда ҳар тўртинчи ўсмир зўравонлик ва қурол низолардан жабр кўраётганини маълум қилди. Шундай вазиятда мамлакатимизда ёшлар салоҳиятини юзага чиқариш, имкониятлар яратиш учун тинимсиз янгилашлар амалга оширилмоқда. Қонунчилик палатаси таркиби қарийб 60 фоиз янгилашган бўлса, депутатларимизнинг 11 нафари, яъни 7,5 фоизи 35 ёшгача экани, илк бор ёшлар парламентнинг 2 вакили Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангани фикримизга далил бўла олади.

Яна бир жиҳат, маърифатли аёл маърифатли авлод, маънавиятли жамият бунёд этишга ҳисса қўшади. Буни тарих сабоқлари, алломаларимиз ҳикматлари орқали ҳам кўп ва ҳўб ўқиганмиз. Депутатларнинг 38 фоизини ёки 57 нафарини аёллар ташкил этгани минтақадаги энг юқори кўрсаткич бўлиб қолаётгани айтилди. Йилгида парламентнинг аввалги фаолияти таҳлил, камчиликлари сарҳисоб қилиниб, ютуқлар эътироф этилди. Айниқса, Парламент тадқиқотлари институти Қонунчилик палатасига ўтказилгани депутатлар институт билан фаол ишлаб, муаммоларга илмий-амалий ечим топиб, тақлифларини қонунчилик ташаббуси даражасига олиб чиқишга имкон берилгани муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари янги давр бошлангани, янада улкан марралар кўзланаётганини таъкидлади. Жумладан, 2030 йилгача яшиллик даражаси 30 фоизга етказилади. Чўқиндиларни қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 1 миллиард 300 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Муҳими,



ИККИ ТАЯНЧ УСТУНИМИЗ

ёхуд ИҚТИСОДИЁТИ ва МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК МАМЛАКАТ қандай қурилмоқда?

институтлари вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилиши самарали ечим сифатида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари “Депутат — бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир”, дея таърифлади.

Дарҳақиқат, халқимизда “Олим бўлма, одам бўл”, деган пурмаъно гап бор. Сўнгги вақтларда орамада мизантропиялар гуруҳи пайдо бўла бошлади. Яъни кўриниши башанг, кўш-кўш дипломи-ю, мактабиб тугатолмайдиган ютуқлари бор. Лекин ахлоқий меъёр ва қадриятларни тан олмайди. Уни керакмас сарқит деб қарайди. Аслида, ҳар нарсадан инсон деган ном, ахлоқ, ватанпарварлик устулиги, бу, айниқса, халқ вакиллари учун энг муҳим таъриф, назаримизда.

Миқдор ва сифат ўзгариши

Фалсафада миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши қонуни мавжуд. Диалектиканинг бу қонуни ҳаракат ва ривожланишнинг қай тарзда юз беришини



Отабек ҲАСАНОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Йилги давомида юқори палатанинг аввали таркиби фаолияти таҳлил қилинди, эришилган ютуқлар айтилди, улар мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшгани таъкидланди. Охириги беш йилда юқори палата томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилган, ижро органларига 1300 та сўров киритилган. Парламентнинг халқро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошган. Утган даврда хорижий давлатлар билан парламентларо дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етган.

Йилгида яна бир бор дунёнинг ҳозирги вазияти тинчлик ва бирдамликда ҳаракатланиши аҳамиятини янада ошираётганига ургу берилди. Давлатимиз раҳбари: “Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжихатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз. Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар деб ишонаман”, дея таъкидлади.

Президент томонидан тез-тез илгари сурилаётган бирлаштиш фалсафаси бутун дунё учун ҳам зарур эҳтиёжга айланб бормоқда. Жалолиддин Румий ҳазратлари “Мен етмиш уч маҳабб ила бирдурман”, деган сўзларида инсониятнинг бирлиги, яқдрилиги ҳаёт қонуни эканига ишора қилинади. Дунёнинг турли бурчакларида яшашга қарамай, инсонлар тақдирини бир-бирига боғлиқ, бу олам, табиатдан оқилона фойдаланишда бирлаштиш зарурат борлигини кўрсатиб турибди. Бугун ўз нишига танқидий баҳо бериш, ривожланишга ҳаракат, ҳамкорликда ишлаш кўлаб долзарб масалаларга ечим бўлиши аён.

Шу муносабат билан Президентимиз Сенат олдига турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди. Булар орасида қонунарлини муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиш, маҳаллий кенгашлар фаолиятига ҳар

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИ 160 МИЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИШ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙИЛГАН ЭДИ. БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНГАНИ ТУВАЙЛИ БУ КЎРСАТКИЧ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА 110 МИЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТИШИ КУТИЛМОҚДА. ШУ СУРЪАТ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛСА, 2030 ЙИЛГА БОРИБ, ИҚТИСОДИЁТ ҲАЖМИНИ 200 МИЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИШ САЛОҲИЯТИ БОРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ. БУ АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ КЕСКИН ЯХШИЛАШГА АСОС БЎЛАДИ.

томонлама кўмаклашиш, хусусан, 2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар кенгашларига ҳам ҳокимлар раислик қилмаслиги айтилди. Ушбу чора-тадбирлар давлат бошқаруви кўйи бўғинга тушириш, уларни аҳолига яқинлаштириш жараёнида орта қайтмас тус олганидан далолат бераётгани таъкидланди.

Янгиланган Конституцияда Сенатга маҳаллий кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича катта масъулият юклатилган. Давлатимиз раҳбари Сенат бу борада очиқлик ва шаффоқликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизим яратиши кераклигини айтди. Айниқса, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги дастур ва режаларни тўлиқ рўёбга чиқаришда сенаторларнинг иштироки жуда муҳимлигига ургу берилди.

Қонун қудрати ижро билан

“Сиёсатнома” асарида “...фармоннинг ҳурмати ва куч-қудрати шундай бўлиши керакки, ижро этилмагунча уни ҳеч ким қўлидан қўйиши керак эмас”, дейилади. Дарҳақиқат, ижро кучи ислохотларнинг туб моҳиятини кўрсатади, халқнинг давлатга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Президентимиз иштирокида 20 ноябрь кунни ўтказилган йилги мажлисида бу борадаги вазифалар, истиқболдаги режалар айтилди. Давлатимиз раҳбари, аввало, ўтган беш йилдаги дастурлар ижросига тўхтади. Утган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 қарра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етиши кутилмоқда. Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захиралари эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 қарра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллионга юқори даромадли иш ўрни яратилди.

Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаваат бўлган қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Натжида мўқобил энергия улуши ўтган йилдаги нисбатан икки баробар кўпайди. Таълим соҳаси ҳам жадал ривожланди. Мактабгача таълимда қамров

ган маблагни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва қафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилга 150 минг квартирани янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилади.

Президентимиз бу мақсадларга эришиш учун ҳукукат билан парламент ҳамкорлиги муҳим эканини таъкидлади. Парламент назорати — бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови” экани айтилди. Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Муҳими, барча кўзланган марраларга етилмоқда. Фақат мақалат раҳбари айтганидек: “Бугун фақат мана шундай илгор ёшларга, мана шундай жонқуяр зотиёларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади”.

Юқорида келтирилганимиз бирлаштиш гоёси бутун, айниқса, табиат ва инсон муносабатлари, умумий яшаш маконимиз доирасида заруратга айланиб бормоқда. Бунга жавобан мамлакатимизда уч йил аввал “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бошланган эди. Кўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон БМТ томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюция ташаббускори бўлди. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айланмоқда. Бу ҳаракатлар, гоё ва ташаббуслар орта қайтмаслигига ишора сифатида Президентимиз 2025 йилни юр-

тимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилди.

Маънавият ва иқтисодиёт — ўқ томирларимиз

Ўтказилган мазкур йилги мажлислар мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичи, улкан марралар томон дадил қадам ташлаётганини кўрсатди. Мақоламиз бошида буюкларимиз орзу қилган давлат ҳақида гаплашган эдик. Бу давлат нафақат қонунлари, халққа хизмат қилиши, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиши, овозига, сиймосига айланиши, шу билан бирга, маънавияти юксак, ахлоқи баланг, қадриятлар қадрланган юрт ҳамдир.

Бугун бу орзу амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”.



лиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган эди. Барча имкониятлар ишга солингани тувайли бу кўрсаткич жорий йилнинг ўзида 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Шу суръат жадал давом этирилса, 2030 йилга бориб, иқтисодиёт ҳажми 200 миллиард долларга етказиш салоҳияти борлиги таъкидланди. Бу аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга асос бўлади.

Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаёт-

Ал-Хоразмийнинг ажойиб тенгламаси бор. Унга кўра, агар инсон яхши хулқ соҳиб бўлса, у 1 га тенг. У ҳусн соҳиб бўлса, бирининг ёнига ноль қўшилиб, 10 бўлади. Бундай инсон бойлиги сабаб яна бир нолни олиб 100 га айланади. У насл-насабни бўлса, 1000 бўлади. Агар шунча сифат ичидан 1 рақами, яъни хулқ олиб ташланса, инсоннинг қиймати йўқолади ва нолларнинг ўзи қолади.

Йили Ўзбекистонда бошланган ислохотлар ўша тенгламадаги каби 1000 кўрсаткичдаги инсонлардан иборат жамиятни яратишга қаратилган. Зеро, кўзланган катта марраларга маънавий буюк халқ иқтисодий қудрат билан етиб боради.



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури қабул қилиниб, 2025 йилда 1 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилади. Бу мақсадларга 46,5 триллион сўм йўналтирилиб, 100 минг гектар ер деҳқончилик ва богдорчилик ташкил этиш учун 200 минг камбағал оилага ижарага берилиши маълум қилинди.

Бу каби катта марра, улкан мақсадлар кўп. Булар эса таъсирчан парламент назоратисиз амалга ошиши қийин, албатта. Шу сабабли депутатларимиз ушбу йўналишларда мутаассадидорлар олдига аниқ топшириқлар қўйиб, улар ижросини назоратлаш олиши кўп масалаларнинг ҳал этилишига, ислохотлар тизимли амалга ошишига замин бўлади.

Кўйи палатадаги 12 та қўмига ўрнида 10 та янгиланган қўмига ташкил этилди. Уларнинг фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни қучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эгаллиги айтилди. Ҳар бир қўмига ҳузурда фуқаролик жамияти

тушунтиришга хизмат қилади. У қонунга кўра, кўзга ташланмайдиган, аста-секин юз берадиган миқдор ўзгаришлари (миқдорнинг ортиси ёки камайиши) муайян вақт ўтгач, жиддий ва катта сифат ўзгаришига олиб келади. Бу қонуни табиат, жамият ва тафаккур ривожини билан боғлиқ барча жараёнларда амал қилади.

Президентимиз иштирок этган навбатдаги муҳим учрашув Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлиси бўлди. Унда миқдордан сифат ўзгариши томон амалга оширилган ишлар, муҳим ислохотлар айтилди. Сенатни иччам, халқчил ва ҳудудлар манфаатини ифода этадиган идорага айлантириш мақсадида сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга қисқариб, Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони эса 16 тадан 9 тага камайтирилди. Лекин сенаторларнинг ваколатлари ва масъулиятлари оширилди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



2024 йил 27 ноябрь, 241-сон



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизда ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута экиб, яшиллик миқёсини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсад қилинган.

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

ОНА ТАБИАТ

ШУНЧАКИ ШОИРОНА СЎЗ ЭМАС, ИНСОННИ АСРАШ ДЕМАҚДИР

Президентимиз 3 йил илгари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ташаббусини илгари сулар экан, бугунги ва келгусидаги экологик вазият инобатга олинган ҳолда дарахт экиш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани, шунинг учун бу умуммиллий лойиҳани пухта тайёрларик асосида, пули, эгаси, суғориш тизими билан амалга ошириш зарурлигини таъкидлаган эди.



Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ларга етарлича эътибор берилган деб бўлмайди. Президентимиз халқаро минбарларда ва нуфузли халқаро анжуманларда уларга халқаро ҳамжамият эътиборини муттасил жалб этиб келмоқда. Шу билан бирга, нафақат миллий ва минтақавий, балки бутун инсоният тақдирига боғлиқ бўлган муҳим ташаббуслар илгари сурилган, амалий ишлар кўпаймоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси шундай хайрли тадбирлардан биридир. Ушбу дастур қатор худудларда, жумладан, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилмоқда. Қолаверса, қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Пойтахтимизда Марказий Осн атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Ушбу йўналишда бошланган хайрли ишларимизни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2025 йил мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Президентимиз келгуси йил номининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида тўхталган экан, “Биз табият ҳақида сўз юритганда, кўпинча “она табият” деган иборани ишлатамиз. Уйлайманки, бу шунчаки чиройли, шоирона сўз эмас, балки унинг замирида чуқур ҳаётӣ ҳақиқат бор. Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қўрашб турган табиятга ҳам шундай муносабатда



бўлишимиз зарур. Зеро, табиятни асраш — инсонни асраш демақдир”, деб таъкидлади. Дарҳақиқат, тирикчилигимиз учун зарур бўладиган барча неъматларини она табият бағридан оламиз. Йилдан йилга ер юзида аҳоли сони кўпайиши эса бу неъматларга талаб ва эҳтиёжини оширмоқда. Қолаверса, табиий захиралардан фойдаланишда ҳамма ҳам бирдек тежамкорликка, оқилона ёндашувга риоя этиди деб бўлмайди. Ҳолбуки, инсоннинг эҳтиёжлари қанчалик чексиз бўлмасин, табият ресурслари чекланган. Табият неъматларига нисбатан ана шундай лоқайдлик, бепасандлик, пала-партиш

фойдаланиш эса бугунги кунга келиб, ўз натижасини ҳам кўрсатиб улгурди. Сув танқислиги, ер деградацияси, иқлим ўзгариши туфайли келиб чиқатган экологик тангликлар ҳаёт тарзимиғга таъсирини кўрсатмай қолмапти. Шундай вазиятда юртимизда экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган хайрли ишлар, эзгу ташаббусларнинг инсоният келажақ тақдирини асраш ва ҳаётимиз давомийлигини таъминлашда ўрни нечоғлиқ муҳимлиги ва ўз вақтида, узоқни кўзлаб бошланган эзгу амал экани яққол намоён бўлади.

Инсон ва табият қанчалик чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатувчи далиллар кўп. Мисол учун, тадқиқотлардан маълум бўлишича, бир кунда бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарахт керак. Қолаверса, инсоннинг тирикчилигини таъминлаш учун тоза сув, сифатли ва тўйимли озиқ-овқат, кийим-бош зарур. Чанг-ғубордан холи, сокин ва шовқинсиз, тоза-озода гўшаларда, ёзда салқин, қишда иссиқ уйларда ҳаёт кечиришимиз учун керак бўладиган барча манбаларнинг асоси табиятдан олинади. Шундай экан, бир мурғак вужуднинг дунёга келиши, ўсиб-ўниси, қамолга етиши учун она қанчалик жонфилоқ қилса, инсоннинг бу оламда ҳаёт кечириши, орзунияти рўёғга чиқишида ҳам табият бутун борлигини бизга бахшида этади. Ушбу файзли ҳаётимиз бардавом бўлиши учун табиятнинг ҳар бир неъматидан тежаб-терғаб, оқилона фойдаланиш муҳим. Бу ҳақиқатни теран англаган аждодларимиз азал-азалдан турмуш тарзини табият билан ҳамоҳанг шакллантиришни турмуш мезонила айлангаришган. Шу асосда экологик барқарорликка хизмат қиладиган эзгу қадриятлар

шакланган ва аслар оша яшаб келмоқда. Дарахт экиш, боғ яратиш, сувни ифлослантирмаслик, ери эъзозлаш, жониворларга зиён етказмаслик каби қадриятлар шунга сирасига қиради. Бу анъаналар амалий ҳаракатга айлантирилиши натижасида боболаримиздан бизга кўпайиб яшил боғлар мерос қолган. Ҳаёт фарзанд дунёга келган хонадонда унинг истиқболини кўзлаб терек экилган. Яхши ниятда экилган бу дарахтлар йилгит волеат етганда унга атаб уй қуришда асқатган. Президентимиз ушбу боқий анъаналаримизнинг ҳаёт давомийлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталиб: “Халқимиз табиятини “она” дейди, ерни, сувни эъзозлайди. Бунинг замиридаги ҳақиқат эъзозлик экологик муаммолар таъсирини яққол намоён бўляпти. Шунинг учун “Яшил макон” лойиҳасини бошладик. Келгуси йил номини ҳам атроф-муҳитни асраш масаласига бағишладик. Энди бу ташаббуслар кенг ёйлиши, айниқса, ёшларимизга ҳар бир қорхона табиятни асрашга ҳисса қўшиши керак”, деб таъкидлади.

— Президентимиз ташаббуси билан жамиятимизнинг ҳар бир йўналишида муҳим илохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси расиси Анвар Тўйчиев. — Айниқса, табиятни муҳофазат қилиш, экология, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш борасида катта-катта лойиҳалар бажарилаётган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси шулардан биридир. Ўтган йилларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида миллион-миллион туп мева-ли, манзарали дарахт кўчатлари, бошқа ниҳоллар экилди. Натижада республикамизда



ри экиш борасидаги азалий қадриятларимиз янада жонланди. Бундай тадбирларни ташкил этиш ва ушқоқлик билан ўтказишда Президентимизнинг ўзи доимо ўрнак бўлмоқда. Бу йил ҳам ушбу анъана давом эттирилиб, пойтахтимизнинг Бектемир туманида, Тошкент ҳалқа йўли бўйида барпо этилаётган яшил худудда ниҳол экилди. Давлатимиз раҳбари шу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва чет эллик дипломатлар билан суҳбатлашди, ушбу хайрли ташаббусга ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди. “Яшил макон” лойиҳасида шахарлар яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, хусусан, уларнинг атрофида “яшил белбоғ” яратиш мақсади белгиланган. Бектемир тумани худудида, ҳалқа йўли бўйида барпо этилаётган яшил худуд Тошкент “яшил белбоғ”нинг бир қисми ҳисобланади. Яна бир эътиборли жиҳати, бу ерда табиий ўрмон шакли ҳосил қилинади. Бунинг учун 100 гектар ер ажратилган бўлиб, икки йилда жами 100 минг туп дарахт ва бута кўчати экилади. Уларни парвартириш учун 3 та сунъий сув ҳавзаси ва 12 та қудуқ қазилади. Шу билан бирга, юртимизда яшил худудларни кенгайтириш мақсадида келгуси йилда ҳар бир туманда кенг жамоатчилик иштирокида экологик паспортлар ва экологик реалнинг ишлаб чиқилади. Йирик қорхоналарнинг экологик ишлаб чиқаришга ўтишини кўзлаб-қуватлаш тизими жорий қилинади. Чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 1 миллиард 300 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бошланади. Бугун сайёраимизда рўй бераётган глобал экологик муаммолар инсониятнинг келажақ тақдирига жиддий таҳдид солаётган бир пайтда мамлакатимизда амалга оширилётган бундай экологик лойиҳаларнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Зеро, иқлим ўзгариши туфайли келиб чиқатган тўғонлар, тошқинлар, ичимлик сув қамали бўраётган ва ифлосланаётгани, ер деградацияси каби экологик офатлар олдини олиш ва салбий таъсирини камайтиришнинг бирдан-бир йўли табият билан муносабатда уйғунликка эришиш, уни эъзозлаш ва авайлашдир. Афсуски, бугун дунёда рўй бераётган мурракб геосиёсий жараёнларда бу масала

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Севара ФАЙЗИЕВА, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги нутқида келгуси йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиш тақлифини билдирди.

Шубҳасиз, ушбу ташаббус узоқни кўзлаб, глобал экологик муаммоларга жавоб беришдаги қатъиятнинг акс эттиради. Давлатимиз раҳбари бугун иқлим ўзгариши, ҳаво ва сув ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўллангиш, қазиб олинган ёқилгидан назоратсиз фойдаланиш каби салбий оқibatлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда сезилатганини таъкидлаётган. Мутахассислар фикрича, иқлим ўзгариши натижасида 2050 йилга бориб, Марказий Осн минтақасида сув ресурслари 10-15 фоиз қамайиши кутилмоқда. Ер деградацияси туфайли қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги 20-30 фоиз пасаяди. Углерод чиқиндилари йиллик ҳажми 400 миллион тоннани ташкил этади. Мавжуд ҳайвон ва ўсимлик турларининг 12 фоизи йўқолиш хавфи остида. Сув ва ҳаво ифлосланиши сабабли минтақада ҳар йили 50 мингдан зиёд инсон турли сурункали касалликлардан вафот этади. Ушбу рақамлар Марказий Осннидаги экологик муаммолар жиддийлигини кўрсатади ва дарҳол қатъий чоралар кўришни талаб қилади. Ўзбекистонда ушбу таҳдидлар таъсирини камайтириш бўйича қатор муҳим қадмлар қўйилди. Жумладан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси экологик маданиятни



ривожлантириш, яшил худудлар яратиш ва табиий ресурсларни мустаҳкамлашга қаратилган самарали дастурга айланди. Қўшни давлатлар билан ишлаб чиқилган минтақавий иқлим стратегияси эса барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик юксак даражага чиққанини ифода этади. Бу борада Тошкент шаҳрида Иқлим ўзгаришларини ўрганиш бўйича Марказий Осн университети очилиши илм-фан ривожига кўшилган муҳим ҳисса бўлибгина қолмай, глобал экологик муаммоларни ҳал этишга қўдир, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТ томонидан қабул қилинган иккита муҳим резолюция ташаббускори бўлди. Бу мамлакатимизнинг халқаро майдондаги фаол роли ва табиий муҳофазат бўйича глобал савий-ҳаракатлардаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик тадбиркорлик ва инновацион технологияларни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, қўшимча иш ўринлари очиш имконини беради. Бу ташаббуслар



2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши Ўзбекистоннинг экологик, ижтимоий ва иқтисодий ўстуворлигини бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган узоқ мuddатли барқарор ривожланишга интилиши рамзиридир. Мазкур дастур доирасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани фўққорларнинг ҳаёт сифатини оширишга комплекс ёндашувни ўзида акс эттиради. Бу ташаббус нафақат Ўзбекистоннинг келажақ авлодлар олдидаги масулиятини, балки минтақада экологик ҳолатни яхшилашга интилаётган етакчи давлат бўлишга тайёрлигини ҳам кўрсатади. Ушбу илгор экологик тажриба ва технологияларнинг мамлакат кундалик ҳаётига интеграциялашувига кучли рағбат бўлиб, табият, жамият ва иқтисодиёт ўртасидаги мутаносиблик асосида уйғун ривожланишга ҳаракат қиладиган бошқа мамлакатлар учун ҳам намуна бўла олади.

Албатта, бугун халқимизнинг, барча меҳнат жамоаларининг савий-ҳаракати билан экилаётган ва ниҳолларни асраш ва парвартириш ҳам муҳим. Бунинг учун экологик мониторинг ва назорат ишларини юритиш йўлга қўйилган. Эколог муносабатларимизда ва масуль ойдорлар ҳодимлари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва дарахтларни кесиб эълон қилинган мораторий ижросини мунтазам ўрганиб борапти. Бундан ташқари, муҳофазат этиладиган табиий худудлар ва ҳайвонот дунёсини ҳимоялаш, сув ҳавзалари ва дарё ўزانларини муҳофазат қилиш, чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни тақомиллаштириш бўйича тизимли ишланяпти. Бу савий-ҳаракатлардан асл мақсад аждодларимиз томонидан бизга омонат ва мерос қолдирилган бебаҳо табият неъматларидан оқилона фойдаланиш ва келажақ авлодларга завол кўрмай етиб боришни таъминлашдир. Зеро, токи ер юзиде экологик мувозанат барқарор, она табият бизга ёр экан, турмушимиз обод, истиқболимиз ёруғ, ҳаётимиз тўқис ва бардавом бўлади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Камолот пиллапоёсида

ИНТЕРАКТИВ, КРЕАТИВ ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ ЗАРУР

БУ ЖАРАЁНДА ҲАР БИР ОЛИЙҒОҲ ЎЗИНИ НАМОЁН ЭТИШИ КЕРАК

Касблар келажаги

Жорий йил 20 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган давлат сийосати изчил давом эттирилишини, келгуси йилларда боғчаларда қамровни 80 фоизга, олийғоҳларда эса камида 50 фоизга етказиш ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолишини билдирди. Дарҳақиқат, юртимиз тарихида янги давр бошланди. Мамлакатимиз юксак тараққиёт чўққиларини забт этиш учун ҳар бир соҳага алоҳида эътибор қаратаётир. Қайси соҳани олмайлик, ишга ёндашув, муносабат, талаб ва мезонлар ўзгармоқда. Айниқса, таълим сифатига эътибор давлат сийосатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон фарзандларини дунё тан олмоқда

— Олийғоҳлар ёшларга билим беришни эмас, билимларни излаб топишни ўргата бошлаган кундан таълим сифати ҳам, самардорлиги ҳам тараққийгата юз тутиш йўлига ўтади. Бўлажак замонавий мутахассислар ўз касби методологиясини, хорижий тилларни, компьютер технологияларини пухта ўзлаштирган бўлиши шарт, — дейди Бухоро инновациялар университети ректори, профессор Дилноз Рўзиева. — Бунинг учун эски тартибдаги бир хил маърузалар ўқишдан воз кечиб, талабага фаннинг глобал муаммоларини олиб чиқадиган мотивацион, ўз мутахассислигига йўналтирувчи маърузалар ўқиши керак. Аудиторияда талаба профессор-ўқитувчилардан консултиватив дарслар, муҳокамали масалалар ечимини танқидий муносабат орқали топиши, шу орқали индивидуал қобилиятлар юзга чиқарилиши лозим. Таълимни сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб индивидуаллаштириш, талабанинг мустақил йўналишини шакллантириш муҳим.



Ёшларнинг таълим олиши учун катта имкониятлар яратилаётгани имтиёзли таълим кредитлари, талабалар учун арзон ва қўлай ётоқхоналар йилдан йилга кўпаяётгани, университетлар моддий-техник базаси яхшиланиб бораётгани, ривожланган мамлакатларда ўқиш учун очилган йўл, кам таъминланган оила фарзандларининг олий маълумот олиши учун гамхўрлик кабиларда кўринмоқда. Булар ёшларда шукроналик кайфиятини, ватанпарварлик туйғуларини жўш удрмоқда.

Ёшлар саломатлигига эътибор, келажақ авлод иқтидорини ривожлантириш натижаси ёрқоқ, бугун фан олимпиадаларида ўғил-қизларимиз нуфузли ўринларни эгаллаб, олтин медаллар шодаси билан қайтмоқда. Бунинг ортидан нафақат ўзлари, балки устозлари ҳам муносиб рағбатлантирилмоқда. Демак, бугун янги Ўзбекистон фарзандларини дунё тан олмоқда.

Сўнгги йилларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ошиши ҳисобига соғлом рақобат муҳити пайдо бўлди, мактаб битирувчиси ўзи хоҳлаган касбини ўрганиши имкониятлари кенгайди, ўқишга қирришда коррупцион ҳолатларга барҳам берилди. Талабада сифатли таълим олиш, яхши шарт-шароитларда ўқиш имкони яратилди. Бу каби мисолларни кўйлаб келтириш мумкин. Қисқа айтганда бўлса, олий таълим тизими ривож учун барча эшиклар очиб берилди.

БУГУН УЛАР ҲАЁТИДАН ҲАМ, ТАДБИРКОРДАН ҲАМ МИННАТДОР

Ташаббус

Инсон доим шугулланиб юрган ишидан бир зум ажралса, бунга кўникиши қийин бўлади. Чеварлиги ортидан эл орасида мохир хунарманд сифатида ном қозongan Шахноза Каримова ҳаётида ҳам ана шундай ҳолат рўй берди. Юрагидега тугма нуқсон борлиги учун шифокорлар тикувчилик — доимий ўтириб ишлаш соғлигига тўғри келмаслигини айтганида Шахноза опа уларнинг тавсиясига амал қилишга мажбур бўлди. Турмуш ўртоғи, яқинлари далда берди. Аммо доим изланиш ва ҳаракатда юрган аёл бекор ўтиришга кўникилмади. Соғлигига тўғри келадиган иш билан шугулланиш учун турли режалар ва лойиҳалар ўйлади. Ниҳоят новвойлик билан шугулланадиган турмуш ўртоғининг фаолиятини кенгайтириб, ривожлантиришга қарор қилди.



Шахноза Каримова дастлаб кичик-роқ жойни ижарага олиб, тандирларни қўйилган ва босқичма-босқич фаолиятини кенгайтириб борди. Бугун йилкор қорхонага айланган ушбу масканда тайёрланадиган нон ва нон маҳсулотлари Навоий шаҳри ва унга қўшни ҳудудларда “Бараканон” номи билан машҳур. — “Фойдадан ҳалоллик устун” иборасини фаолиятимизда широр қилиб олганмиз, — дейди тадбиркор. — Шу туйғайли босқичма-босқич ишимизни кенгайтириб, муваффақиятга эришиб келаямиз. Тўғриси, оилавий тадбиркорликни бошлаганимизда дастлаб қўйналганмиз, аммо орта чекиммадик. Имтиёзли кредит олиб, кичик новвой-хонани йилкор қорхонага айлантирдик. Бугун 300 турдан зиёд нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқараямиз. Айни вақтда қорхонада нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаш учун 7 та тандир ўрнатилган. 20 дан ортиқ новвой навбатма-навбат ишлаб, бир кунда 8 минг дона ширмови нон тайёрлаб, ха-

ридорларга тақдим этади. Бундан ташқари, элтиб бериш хизмати ҳам йўлга қўйилган. Маҳсулотлар Навоий шаҳри ва атрофидаги 100 га яқин савдо шохб-часига етказиб берилади. Ушбу қорхона ҳудуд аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозир қорхона цехларида 200 дан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланган. Уларнинг 70 фоизи “Аёллар дафтари”га киритилган, эҳтиёжманд хотин-қизлардир. Биргина қолгани нон тайёрлаш цехида 50 чоғли хотин-қизлар икки навбатда меҳнат қилмоқда. — Турмуш ўртоғим билан шаҳарга кўчиб келганимизда ижара уйда яшар-хона Барқарор даромадли иш топиш ҳам осон бўлмаган, — дейди қорхона ишчиси Дилрабо Ражабова. — Ушбу қорхонага иш сўраб келиб, оилавий аҳолиимизни қорхона раҳбарига тушунтирганимда нафақат мени, балки турмуш ўртоғимни ҳам ишга қабул қилди. Шундан сўнг ҳаётимиз ўнгиланиб, фаровонлашиб борди. Ҳозир

доимий даромадга эгамиз. Ушбу қорхонадаги барча ишчи-ҳодим шу ердаги даромаддан берака топиб яшамоқда. “Бараканон”нинг ўзи ҳам, бераётган ойлик мао-часига етказиб берилади. Бугун қорхонада 200 хилдан ортиқ ширинлик ҳам тайёрланади. Ширинлик-лар цехида икки навбатда 100 га яқин хотин-қиз ишламоқда. Бир кунда 1 тон-нагача турли ширинликлар савдо шохб-чаларига етказиб берилади. Ушбу цехда “устоз-шогирд” аънаси ҳам йўлга қў-йилган, ишга янги келганларга тажриба-ли ишчилар яқиндан кўмак беради. Тадбиркор аёл аниқ вақтда янги лойиҳаларни амалга оширишни режа-лаштирган. Бугун вилоятнинг бошқа туманларида ҳам қорхона филиаллари иш бошлаш арафасида. Ҳозир илк фи-лиал Навбахор туманида иш бошлади. Тумандаги Пахтакор маҳалласида бўш турган бинони ижарага олиб, нон ва нон маҳсулотлари, ширинликлар тайёрлаш цехи ташкил этган Шахноза Каримова ҳудудда яшовчи, кўмакка муҳтож,

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ишсиз 30 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Бугун улар ҳаётидан ҳам, тадбиркордан ҳам миннатдор. — Маҳалламизда ушбу қорхона фи-лиали очилгани биз учун аниқ мудожа бўлди, — дейди Махбуба Доғиёрова. — Ишсизлигим ва фарзандларимни ўқи-таъғинлашимиз туйғайли қийналаётган-дик. Шу ерга ишга кирганимдан сўнг қийинчиликларимиз ортда қолди. Саба-би, ойлик маоши яхши, меҳнат қилиш учун барча шарт шарт қилинган. Мен билан бирга ишлаётган хотин-қизлар ҳам яқин кунларга эҳтиёжманд эди. Ҳозир нагача турли ширинликлар савдо шохб-чаларига етказиб берилади. Ушбу цехда “устоз-шогирд” аънаси ҳам йўлга қў-йилган, ишга янги келганларга тажриба-ли ишчилар яқиндан кўмак беради. Тадбиркор аёл аниқ вақтда янги лойиҳаларни амалга оширишни режа-лаштирган. Бугун вилоятнинг бошқа туманларида ҳам қорхона филиаллари иш бошлаш арафасида. Ҳозир илк фи-лиал Навбахор туманида иш бошлади. Тумандаги Пахтакор маҳалласида бўш турган бинони ижарага олиб, нон ва нон маҳсулотлари, ширинликлар тайёрлаш цехи ташкил этган Шахноза Каримова ҳудудда яшовчи, кўмакка муҳтож,

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқаро алоқаларга кенг йўл берилмоқда

Бухоро инновациялар университети бугун тўлиқ рақамлаштирилган. Дунёнинг топ университетлари рўйхатида бўлган 20 дан ортиқ олийғоҳ билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Туркиянинг Истанбул университети билан ҳамкорликда профес-сор-ўқитувчилар учун “Сунъий интеллект ёрдамида таълим самардорлигини ошириш” мавзусида қўшма малака ошириш дастури тўзилиб, республикамизнинг барча олий таълим муассасаларидан хоҳловчилар учун курслар ташкил этилган. — Ҳар бир касб эгаси ўз фаолиятини лойиҳалаштира олиши, электрон дастурий таъминотини амалга ошириши муҳим. Яъни Алишер Навоийнинг қаерда ва қачон туғилгани ҳақида маъруза



ўқишни эмас, балки дарсни дастурлаштириб, Алишер Навоий ҳақидаги саволларга мутафаккирнинг ўзидан жавоб олишига шарт ярата оладиган педагоглар керак, — дейди университетнинг халқаро алоқалар бўйича проректори Жанитха Амаресана. Еш педагог Умиджон Рустамов ҳам Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини имтиёзли тамомлаб, аниқ пайтда Бухоро инновациялар университетида талабаларга компьютер саводхонлиги сирларини ўргатиб келаётган. Бу курслар университет талабаларини учун мулқоқ бепул ташкил қилингани ва курс якунида қўлга киритиладиган дастурлаш бўйича хорижий сертификат асосида ойлик маош 8 миллион сўмдан бошланадиган иш билан таъминланиши ёшларни янада руҳлантирмоқда.

Таълим сифатини ошириш учун талабаларга фан арбоблари, та-ниқли профессор-ўқитувчиларнинг доимий маърузалари ташкил этилган. Бухоро инновациялар университети фахрий профессори, академик Саидхорр Ғуломов талабаларга “Янги Ўзбекистонда таълим сифати ва ёшларда ақлий меҳнатнинг самардорлиги” мав-зусида маъруза қилиш билан бирга, Президентимиз фармон ва қа-рорларни ижроси доирасидаги вазифа ва топишиқлардан ёшларни ўз вақтида бохабар қилиб боради.

Дарс соатларида танлиқ дефектолог-логопед, “Ўзбекистон логопедлари” нодавлат таълим муассасалари асосчиси, нейрпсихолог Сабина Азизова ҳамда амалиётчи-психолог Умида Абдулаеванинг турли мавзулардаги семинар-тренинглари ёшлар камолотида муҳим аҳамият касб этаётган. Талабаларнинг қизиқишини инобатга олиб, Бухоро инновациялар университети биносиде логопедия курслари ҳам ташкил этилган бўлиб, бу уларнинг амалиёт ўтишини ташкил этишда қўлайлик яратмоқда.



Таълим сифати педагог билими ва маҳоратида

Нуфузли бир олий таълим масканини битириб, қўлига диплом олиб иш бошлаган айрим ёшлар билан суҳбат курсангиз, нафақат ўз соҳанинги мукамал бишлиши, балки ақл-заковати билан ҳам сизни лол қолдиради. Аммо яна шундайлар борки, қарийб 4 йил олий таълим муассасасида таълим олган, дарсга кетялган деб ҳафтанинги 6 кундада баъзан эртдан кечгача вақтини университет ва институтларда ўтказ-ган бўлса-да, фикрлаш доираси торлигини, билими сезилгани илк суҳбатдаёқ сезиб қоласиз. Ҳафтага қараб, эъси ёшлиқ, эъси беунум ўйлаётган дамлар ва уларга кетган маблаглар, дегимиз келадди. Албатта, бунга, биринчи навбатда, ўша талабанинг дангасалиги, иштиёқ-сизлиги, укувсизлиги кўз олдидигига келса, иккинчидан, ўқитувчи-ларнинг ўз касбига лоқайд муносабати сабаб бўлади.

Нега дейсизми? Агар ўқитувчилар ўз фанини қизиқарли қилиб ўтса, неча йиллардан буён ёд бўлиб кетган маърузасини такрор-лайвермай, ўтилаётган мавзуга маъно ва мазмун бахш этса, фан мағзини зўр қақиб бера, талабаларда ҳам ўша фанга ва соҳасига қизиқиш уйғониши табиий. Бунинг учун таълим тизимида соҳасини севган, етарли малакага эга педагоглар дарс бериши, ёшларни касбига қизиқтириб бориши лозим бўлади. Зеро, давлатимиз раҳ-бари таъбири билан айтганда, қанча ислохот қилмайлик, бирин-чи навбатда, ўқитувчининг билими ва касб маҳоратини оширмас эканмиз, сифатли таълимни таъминлай олмаймиз.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

экан. Албатта, ушбу лойиҳамиз амалга оширишга ишончимиз, умидимиз катта. Давлатимиз раҳбари 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида “Ҳеч шубҳасиз, бу даврнинг қандай бўлиши бир-галликда ўз олдимиғизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириши-миғиза боғлиқ. Ишончим комил, бу — янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр бўлади”, дея таъкидлади. Бу йўл нафақат давлат ёки ҳукумат иши, балки ўзини

2020 йилда бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий форумининг Касблар келажаги тўғрисидаги ҳисоботиға кўра, 2025 йилга келиб, инсон янги техника ва технологиялар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ўзгариши туйғайли 97 миллиондан зиёд янги рақамли иш ўрни яратилиши ёки, аксинча, 85 миллион ишчи ўрни қисқариши мумкин.

муносабатини ривожлантириш, билимларни излаб топишга ўргатишимиз кўпроқ натижалли эканини англашимиз керак. Университетни тамомлаган битирувчи талаба диплом билан бир-га ўз касбига оид билимларни инглиз тилида из-лаб топиш даражасидаги оқори балли хорижий тил сертификати, дастурлаш бўйича хорижий сертификатларга ҳам эга бўлиши шарт. Айни



Демак, олий таълим муассасаларида дастурчилар, молиявий технологиялар бўйича за-монавий мутахассислар, ижтимоий тармоқлар ва маълумотлар хавфсизлиги бўйича ишлаб оладиган муҳандислар, масофавий таълим, рақамли логистика, рақамли маркетинг, робототехника, компьютер лингвистикаси бў-йича замонавий ва истиқболли касб эгаларини тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб масала-си бўлиб турибди. Шунинг учун олий таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларга билим ва салоҳиятини, малака ва тажрибасини ишга солиб, талабаларга яхши сабоқ бериши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бухоро инновациялар университетида ҳам бу борада етарли имкониятлар мавжуд. Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас.

— Олий таълим тизимида ўттиз йилдан кў-проқ фаолият юритган олимпиада мени бир қатор масалалар уйлантиради, — дейди Дилноз Рўзиева. — Афсуски, ҳалиям аксарият олий таъ-лим муассасаларимиз интернетга қалашиб ётган маълумотни талабага олиб келиб, такрорлаш билан шугулланмоқда. Бу энг оғриқли нуқтаимиз. Аслида, ҳозирги ахборотлашган таълим шароит-лари талабаларга мотивацион, маънавий маъру-заларини берилиши, қолган барча масалалар, дастурни олдидан ўрганиб келган талаба билан интерактив, креатив, танқидий фикрлаш, инди-видуал қобилиятларни юзга чиқариш тартибиде ишланиши жуда муҳим. Тан олиб айтишимиз кераки, айрим нодавлат олий таълим муассаса-лари ким ўзгара, пулни тўлаб, диплом берса бўлди, қабилида иш қўраётганини ҳам инкор эта олмаймиз. Улар талабанинг чўнтағига, маб-лагига қараб ишлаяпти, сифат учун эмас. Бунга барҳам бериш керак. Шундан шариғатда тахсил олган билими саёз ёшларнинг жамиятга қандай нафи тегиши мумкин?

Яна бир муҳим жиҳат, тайёр билим бериш амалиётиндан тўла воз кечишимиз, ёшлар-га асл адабиёт ўқитиш, масалала танқидий

дамда халқаро бозорга кадр тайёрлаш, таълим-да ишлаб чиқаришнинг бевосита иштирокини таъминлаш, ўқув режа, дастурлар ишлаб чиқ-аришнинг илгор вакиллари иштирокида тузили-шига эришишни кечиктирмаслик лозим. Халқчилроқ ва соддароқ қилиб айтсам, олий таълим муассасалари тўлиқ ўзлаштириш прин-ципиға ўтиши керак: жиғарнинг 60 фоизини билиб, 40 фоизига бошқа доктордан маслаҳат оладиган бўлажак шифокор, ўз мутахассислиғе бўлган хорижий тилида кўпол хатолар билан ёзиб гапирадиган ўқитувчи, бирорта дастурлаш тилини ўзлаштирмаган информатиклар, бирор марта далага кирмаган аграр соҳа вакиллариға диплом беришни касб қилишимиз керак. Таълим жараёниға сунъий интеллект таъсирини тан олишимиз, ундан самарали фойдаланиш имко-ниятларини очилишимиз жоиз. Талабаларға фан танлаш, янги замонавий касбларға ўргатиш, ўқитишнинг танлаш имкониятларини очиб бе-риш ва сунъий интеллект ёрдамида маърузалар ўқитиш фурсати этиб келди.

Сунъий интеллект ёрдамида таълимни инди-видуаллаштириш, мустақил таълим траектория-ларини талабанинг ўзи танлашиға эришимиз муҳим. Ҳозир университетимизда сунъий ин-теллект ёрдамида маърузалар ўқишни ташкил этилмиш. Талабаларға маъруза ўқувчи профес-сор 10 та адабиётни ўқиб, бир маърузаға тайёр-ланадиган бўлса, сунъий интеллектта 50 та ада-биётни берилмиш ва бу адабиётларни бир-ички кунлаб ўқияпти ҳамда битта мавзу бўйича ҳам маъруза, ҳам тақдимот тайёрлапти. Педагогика фани бўйича Абдулла Авлоний, математикадан Альберт Эйнштейн тимсолида сунъий интел-лект ўқитяпти, қолган фанлар бўйича ҳам тайёр-гарликлар олий бориляпти. Бунинг учун махсус студия қилинганмиш. Ахборот технологиялари бў-йича билимни, илланувчан тадқиқотчиларимиз жамоаси бўлган шижоатли ёшларимиз халқаро грантларға ариза топишган. Ғолиб бўлса, 300 минг АҚШ доллари миқдорида грант берилар



Мулоҳаза

Янги даврнинг яқинқўшин ҳаракати



Максуд АСАДОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор



Маънавият инсон кадр-қимматини гурур, орият, шижоат, заковат, садоқат, саховат, оқибат каби қатор олижаноб фазилатлар билан белгилайди. Маънавият дунёқараш кенг, фитрати тоза, рухан тетик, эртанги ёруғ кунларга ишончи бандан шахсларни тарбиялашда чинакам дастуруламал бўладиган улугвор ғоялар жамланмасидир. Маънавий қадриятлари, жумладан, тили, этикоди, мавжуд анъаналарига содиқ миллатгина ўзлигини сақлаб қолишга ва давлатчилик тараққиётида қўлга киритган ютуқларини жаҳон майдонида кўз-кўз қилишга қодирдир. Шубҳасиз, маънавий жасорати юксак халқни ҳеч қандай куч, у қандай ваҳшатга эга бўлмасин, асло маҳв эта олмайди. Чунки маънавият кишида ўз-ўзига ишонч, қатъият, миллий гурур ва ифтихор руҳини тарбиялайдиган қудрат манбаидир. Шу маънода, Президентимиз таъкидлаганидек, "бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн кадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак".

Зеро, янги Ўзбекистон ғояси, энг аввало, маънавий ислохотлар, яъни илм-фан, санъат, маърифат ва маданият соҳаларидаги юксалиш тамойилларига таянади. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, аниқроғи, шу миллат, шу халқ, шу эл ва ана шу замин фарзанди бўлган барча-барча одамлар ўз шахсияти, ахлоқий қиёфаси, жамиятда тутган макъеи билан ҳам бугунги кун кишиси — замонамиз қаҳрамонининг имижини тўла-тўқис ифода эта билмоғи лозим.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ёшлиқни таърифлаб, "умр фусули (фасли)нинг навбахори ва ҳаёт гулшанининг шукуфаву (гулу, чечгу, гунчаю) гулзоридур", "Инсоннинг зебу раънолиги андин ва башар (инсон)нинг тобу (куч-қуввати, мадори) тавонолиги (бақувватлиги, ғайратлиги, шижоатлиги) андин", дея васф этганда нечоғлиқ ҳақ эди. Дарҳақиқат, даҳо сўз санъаткори ижод қилган ўлмас асарларнинг

Инсоннинг маънавий ҳоли ўзгармас экан, юрагида давр ва замон билан ҳамнафаслик, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси уйғонмас экан, ундан эзгуликлар кутини, яхшиликлар умид қилиш ўзини барибир оқламайди. Бугуннинг одами деганда кўз олдимизда беҳиштер шиддати ғайрату матонатига уйғун, ҳимияти эл-юрт ор-номусига пайваст, заковати дунё илм-фани муваффақиятларига муштарак илгор ва собитқадам шахсият эгаси гавдаланади. У турли қўйинчиликлар, муваққат синовлар қаршисда эсанкираб қолмайди: имконсизликдан имкон, илжосизликдан чора топа оладиган ишбилармон, меҳнатсевар ва ақл-фасоҳат кишисидир.



Президентимиз эътироф этганидек, аслида, "бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавийдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам

адабий қаҳрамонлари, энг аввало, ёшлар: дейлик, "Фарҳод ва Ширин" дostonида Фарҳод, Ширин, Шопур, "Лайли ва Мажнун" асаридида Қайс, Лайли, "Сабъан сайёр" дostonида Баҳром, Дилором, "Садди Искандарий" асаридида Искандар образлари ёшлик ва навқиронлик кайфиятини ёрқин акс эттириб туради. Улуғ шоир бу орқали ўз даврининг юрт, ватан, мамлакат юқини елкасига ола биладиган уйғоқ қалбли ёшларига юзланади — уларнинг эртасига, истиқболига умид назари ила боқади, инсонга ҳада этилган бебаҳо умрни ҳуда-беҳуда ишларга, ўткинчи хою ҳавасларга сарф қилмасликка чорлайди, ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, илм-хунар ўрганиши, халқ манфаати йўлида хизмат қиладиган етук шахслар бўлиб етишишни истайди — шунга рағбатлантиради. Ҳозирги кунда янги Ўзбекистонда ёшларга берилаётган кенг имкониятлар, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган одилона, оқилона сиёсат Алишер Навоийдай буюк аждодларимиз орзу-ҳаваслари, истак ва ниятларига ҳамоҳангдир. Шундай экан, Президентимиз томонидан 2025 йил улуғ шоир номи билан аталган Навоий вилоятида "Алишер Навоий йили", деб эълон қилиниши бежиз эмас, албатта.

Алишер Навоий — дунё адабиёти саҳнасида Ўзбек ва Ўзбекистон номининг ўзига хос "ташир қоғози". Алишер Навоий — миллат фахри ва гурури, ёшларимиз учун маънавий ҳазина қалити. "Алишер Навоий йили" доирасида "Ҳазрат Навоийни англаш — ўзлигимизни англаш" мавзусида Президент совғаси учун республика танловига ташкил этилиши, ҳар бир маҳалла, мактаб, олийгоҳлар ва меҳнат жамоаларида "Навоийхонлик кечалари" ўтказилиши режалаштирилётгани эса халқимизни ҳазрат Навоийга янада яқинлаштириши шубҳасиздир. Етук сўз санъаткори узок вақт мобайнида шоҳ Хусайн Бойқаро салтанатида бир қатор масъулият лавозимларида фаолият кўрсатгани, умрининг охирига қадар ҳукмдор ҳузурида маслаҳатчи бўлиб тургани тарихдан яхши маълум. Давлат бошқаруви-

Эл дарди, халқнинг мавжуд муаммоларини муайян тизим орқали атрофича ўрганиб, масаланинг ечимини қисқа муддатларда халқ қилишга имкон берадиган ўзига хос миллий тизим — "Халқ қабулхоналари"нинг ташкил этилгани ҳам улуғ Навоий айтаётган "зулму ситам"га янги Ўзбекистонда сира ўрин йўқлигига ҳаётини исбот бўла олади. Аён бўладики, мутафаккир шоир ният қилган, ўз асарларида илгари сурган некбин ғоялар бугунги турмуш маданиятимизда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган халқни рози қилиш сиёсатида, аниқроғи, "эл шод"лиги, "мамлакат обод"лигида ёрқин акс этмоқда.



нинг ички тартиб-қондасини анчайин пухта билган, сиёсий қарашларининг қамрови ҳаётий тажрибаси таъсирида тобора кенгайиб, ҳаётийлик, аниқлик тамойиллари билан уйғунлашган Алишер Навоий ўз ижодида ҳам юрт ривож учун зарур шартларни бадиийлик мезонлари воситасида таъсирчан ифода этган эди. Масалан:

То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри баратпод ўлмас,  
То зулму ситам эжонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.  
Буюк мутафаккир шоир назидида, "хирсу ҳавас" — таъмағирлик, олғирлик иллатлари йўқолмас, мамлакат равнақи таназзулдан асло кутула олмайди. Гап шундаки, бугун коррупцияга қарши курашиши янги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган улгурди. Бунга коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам таъкидлайди. Шунингдек, бугунги кунда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолият юритаётгани давлат органларида шаффофлик, очиқлик, қонунийликни, жавобгарликнинг муқаррарлиги, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

мана шундай илгор ёшларга, мана шундай жонқуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади". Шу маънода, Президентимизнинг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"га амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги" фармони қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида, жумладан, "Ёшлар ва бизнес" асосида алоҳида ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъдодли ва иқтидорли ёшлар вазирилик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ташкилотлари раҳбарларига бириктирилди. "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида турли интеллектуал ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Ёшлар ўрғасида тадбиркорликни кенг омалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча шароитлар яратилди. "Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи" лойиҳаси амалга оширилмоқда. "Ёшлар дафтарини" жамғармаси маблағлари ҳисобига ёшларни чет тиллар ва касб-хунарга ўқитиш мақсадлари йўналтириш амалиёти йўлга қўйилди. Ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун "Қизлар академияси" платформаси ишга туширилди. "Менинг мактабим" лойиҳаси асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мактабларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробарида маблағ ажратилиб, моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиган ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонда ёшларни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, IT теологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт ошоши этиш учун ҳеч нарсани аямасдан, бор куч ва имкониятлар сарфбар этилаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, 2024 йилнинг жорий даврига келиб, мамлакатимизда мактабгача таълимда қаровнинг 74 фонздан, олий таълимда эса 39 фонздан оширилгани келажак бунёдкорлари бўлган ёшларнинг таълим олиши, замонавий илм-фан ютуқларини эгаллаб, бугунги глобаллашув замонида ўз қарашини, интилишини да турли ёт ғояларга алданмай, мустақкам биланги маънавийни учин яратилган шарт-шароитлар ифодаси, албатта. Чунки Президентимиз таъбири билан айтганда, тарбия ва таълимни бир-бирдан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина, одобли, юксак маънавиятли, шу билан бирга, билмдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом,

кенг дунёқараш, тафаккур ва замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради". Инсон яриликдими, сўз унинг ҳамроҳи: одам гўдақлигида алла тинглаб, болалигида халқ донишмандлигини дурдоналарини эшитиб, ота-боболари ўғитларини ўқиб-ўрганиб улғаяди. Асрлар мобайнида авлоддан авлодга ўтиб келган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ҳаётбахш кучи шахс қалолотида, унинг жисмонан бақувват, ақдан етук, руҳан бардам бўлиб камол топишида муҳим ўрин тутди. Маънавий қудратнинг асл моҳиятини теран тушушган жамиятгина ўтмишдаги айрим хатоликлардан тўғри хулосалар чиқариб, ўз йўли, маслаги ва мақсадини аниқ белгилаб олиши табиийдир.

Шундай экан, Вазирилар Маҳкамасининг "2020-2025 йилларда "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги" қарори ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни чоп этиш, нашриётлар ва ижодкорлар фаолиятига қўмақлаштириш, қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим ҳужжат бўлди.

Айни пайтда турли ёш тоифаларига мўлжалланган адабиётлар нашр этилаётгани, хусусан, болалар адабиёти, туркий халқлар адабиёти намуналари, Ўзбек адабиёти дурдоналари туркумларида бир неча жилдан иборат китоблар дунё юзини кўраётгани уларга бўлган кучли эҳтиём ва талабининг натижасидир.

Адабиёт — маънавият бешиги, асл қадриятлар негизи. Унга ошно бўлган қалбда чинакам инсон табиғатиға бегона ёвузлик, хиёнат, иккиозламачилик, ёлгон каби қусурлар сира бўй кўрсатмайди. Адабиёт инсонни эзгуликка, некбинликка, ёруғликка бошлайди — гўзал хислатларга эргаштиради. Президентимиз таъкидлаганидек, "Ватан ва халқ тақдирини нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топанган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур".

Муҳими, жадид боболаримизнинг "ғоя ва дастурлари янги Ўзбекистонини барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир". Президентимиз қарори билан Жадидлар мероси давлат музейи ташкил этилгани маърифатпарвар жадидларнинг ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни, миллий истиқболимизнинг маънавий асосларини яратишдаги ҳиссаси ва фидойиликларини ҳаққоний ёритиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тартиб қилишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўлкамизда XX аср бошларидан эътиборан уйғоқлик ва шиддат тамойили асосида бошланган жадидчилик ҳаракати, хусусан, адабиёт, санъат, маънавият ва маърифат йўналишларида мисли кўрилмаган ибодий ўзгаришларга замин ҳозирлади. Муҳташам бир адабиёт ўлароқ майдонга келган жадид адабиёти замонавий ўзбек адабиётининг кейинги тараққиёт босқичларини ҳам белгилаб берди.

Бугун пойтахтимизда қад ростилаган, иккунчи муҳитини ўзида тараннум этиб турган Адиблар хибони, улуг ижодкорлар асарлари кенг тартиб этилаётгани, китобхонликка қаратилган милсиз эътибор жадидлар орзусининг ҳаётини инъикосидир. Бу эса янги Ўзбекистонда маъна уйғоқ, фикри теран, метин иродали янги жадидлар, янги ижод соҳиблари етишиб чиқётганидан, ҳуқуқий асосга таянган, илм ва маърифатни, адолату шижоатни тарғибу ташвиқ этган, халқ ва миллат манфаатларини ҳар недан устун қўйган янги қадриятлар шаклланишидан далолат беради.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти) ДМ  
Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирилар Маҳкамаси  
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4163  
41157 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.  
"Колограк" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмаҳона телефони: (788) 129-29-29

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.  
Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова  
Мусахҳих: Малоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллоев  
Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрсабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА яқини — 21:05 Топширилди — 00:20